



К П С С - БАХТИМИЗ ИЖОДКОРИ

Улуғ Октябр социалистик революциясининг Ватани — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқларининг революцион кураш ва бунёдкорлик тарихи қалбларимизда асло ўчмайдиган ўз ҳаёти кучи билан янгида янги зафарларга чорлайдиган шонли саналарга жуда бой.

Эн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили сарҳисобларига киришиб, ўн иккинчи беш йилликка пухта замин ҳозирланган, азиз Ватанимиз шимолидан жанубигача, ғарбидан шарқигача буюк яратувчилик симфонияси янграётган шу кунларда буюк қардошлик оиламизнинг муносиб аъзолари бўлакш Совет Урта Осиё республикалари — Қирғизистон, Тўрқимонистон, Тожикистон, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикалари халқлари ўзларининг қутлуғ 60 йиллик тўйларини муносиб нишонлаш арафасида турibdilar.

Гражданлар урушининг оловли йилларида туғилган буюк Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг муносиб аъзоси, КПССнинг жанговар ва илғор отрядларидан бири Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ташкил этилиши ҳаётбахш марксизм-ленинизм таълимоти, ленинча миллий сиёсат, улуғ Коммунистик партиямиз амалий фаолиятининг самарасидир. КПССнинг ленинча миллий сиёсати мамлакатимизда яшовчи барча халқлар, жумладан, Ўзбекистон халқларига озодлик бағишлади, тўла сиёсий ҳуқуқлар берди. Ленинча миллий сиёсат тўғрисида буюк яратувчилик кучлари жўш урди, ҳар томонлама иқтисодий ривожланишнинг социалистик йўли очилди. Бу ҳаётбахш сиёсат барча миллат ва элатларнинг маънавий ҳаётига янги мазмун бағишлади, миллий маданиятларнинг гуллаб-яшнаши, бир-бирини бойитишига, интернационалистик коммунистик идеалларнинг қарор топишига олиб келди. Бу сиёсатнинг муваффақияти билан амалга оширилиши кўп жиҳатдан рус меҳнаткашларининг бошқа барча миллатлар ва элатларга берган катта ва берадасиз қўллаб-қувватлаши, қўллаб-қувватлаши билан боғлиқ.



ГАЗЕТАНИНГ УШБУ Сони ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ. ШУНИНГДЕК, БУНДАН Кейин ЮБИЛЕЙ ОЛДИДАН ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР 60 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУШМА СОНЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИШ МҲҶАЛЛАНАДИ.



Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Евенко чизган длакат.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА—ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касабасоюзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитети давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1984 йил сентябрь ойи учинчи ўн кунлиги якунилари кўриб чиқилди.

Тошкент об-ла-сти. Бу об-ла-ста пахта тайёрлаш планини 37,96 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 32,61 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Андижон об-ла-стидан олиб берилди.

Тошкент об-ла-сти. Бу об-ла-ста пахта тайёрлаш планини 44,20 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 38,69 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Андижон об-ла-стидан олиб берилди.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Республикамиз далаларида пахта йиғим-терими қиз-гин давом эттирилмоқда. Биринчи октябр эрталабига қадар ялпи тайёрланган «оқ олтин» 1673438 тоннага етди. Утган кунги пахта-зорлардан 139014 тонна дурдона йиғиштириб олинди.

“Оқ олтин” хирмонига

Table with 5 columns: Region, Harvested (t), Yield (kg/ha), Area (ha), and Total (t). Rows include Farqona, Andijon, Tashkent, Namangan, Surxondaryo, Buxoro, Xorazm, Samarqand, Navoiy, Kashkadarya, Khatlon, and Jizzax.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РАИСИ ЛИ СЯНЬЯНГА

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ УМУМХИТОЙ МАЖЛИСИНИНГ ДОИМИЙ КОМИТЕТИ РАИСИ ПЭН ЧЖЭНГА ХХР ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ БОШ МИНИСТРИ ЧЖАО ЦЗЯНГА СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Хитой Халқ Республикасининг 35 йиллиги муносабати билан совет халқи номидан Хитой халқига қутловлар ва энг яхши истакларини йўлайди.

МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

ВМТ Бош Ассамблеясининг XXXIX сессиясида СССР делегациясига бошчилик қилган КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 30 сентябрь кунги Вашингтондан Москвага қайтиб келди.

РУС ТИЛИ ҲҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО УЧРАШУВИ

1 октябрь кунги Тошкентда рус тили ва адабиёти ҳқитувчилари халқаро уюшмасининг (МАПРЯЛ) симпозиуми очилди. Симпозиум қатнашчилари — СССР, Германия Демократик Республикаси, Польша, Чехословакия, Венгрия ва бошқа мамлакатларнинг таниқли олимлари, педагоглари беш кун мобайнида студентларга рус тилини ўргатишнинг асосий проблемаларини муҳокама қилдилар, ўқув жараёнини, методик ишларни тақомиллаштиришда, ҳқитувчиларнинг материални яхши ўзлаштиришда таълимнинг замонавий техника воситалари, радио, телевидениедан фойдаланиш тажрибасини ўртоқлашдилар.

СОВЕТ ИТТИҒОҚИДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ИРКУТСК. (ТАСС). Финляндия Бош министри К. Сорса бугун Иркутскдан Хельсинкига жўнаб кетди. У Совет ҳукуматининг тақлифига биноан расмий визит билан СССРга келган эди.

ЭРТАГА ҚЎНИЛАДИ

кемаси ичидига системаларнинг иш қобилиятини текширмоқда, утказилган тадқиқотлар ва экспериментларнинг материалларини туширилади. Илмий тадқиқотлар программасини тўла-тўқис бажардилар ва эртага ерга қайтадилар.

«Чибис» вакуум костюмидан фойдаланиб машқлар билан ҳам шуғулланидилар. Телеметрич ўлчов натижаларига ва экипажнинг докладларига кўра «Салют — 7» ва «Союз Т — 11» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг учини нормал ўтмоқда.



20-йиллар комсомоллари ҳақида, уларнинг ишлари тўғрисида кўп ҳикоя қилади.

